

# Qishloq hayoti

2014 йил

Соғлом бола

ЙИЛИ

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 1-YANVAR, CHORSHANBA, 1 (8238)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!  
Мана шу унутилмас, шуқухли дамларда сиз, мўътабар отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ўғил-қизларимиз, жажжи болаларимизни – барча-барчангизни қутлуг қадамлар билан юртимизга кириб келаётган янги йил билан чин қалбимдан табриклаб, самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Байрамона дастурхон атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларни бағримга босиб, хонадонларингизга тинчлик, соғлик-омонлик ва хурсандчилик, тўқин-сочинлик ёр бўлишини, юртимиз янада обод бўлиб, янада чирой очиб равнақ топишини, барча-барча эзгу ниятларимиз ушалишини тилайман.

Бугунги кунда олдимизда турган буюк мақсадларимизга эришиш, тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мамлакатимиз кўяётган амалий қадамлар, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётгани барчамизга яши маълум.

Яқунига етаётган 2013 йилнинг айнаи шу йўлда Ватанимиз тараққиётига, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, эл-юртимиз ҳаёт даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани, ҳосиятли ва баракали бўлганини шукроналик билан таъкидлашимиз лозим.

Бунинг далили сифатида жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани ва бундай кўрсаткич дунёда камдан-кам давлатларда кузатилаётгани барчамизга чуқур мамнуният етказди.

Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган кенг қўламли капитал маблағлар ва чет эл инвестицияларининг ҳажми тобора ошиб бораётгани, шунинг ҳисобидан энг замонавий технологияларга асосланган юзлаб корхоналар, транспорт коммуникациялари, минг-минглаб янги уй-жойлар, инфраструктура объектлари барпо этилгани шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда, мамлакатимизнинг салоҳиятини янада ошириб, келажагимиз учун мустақам пойдевор яратмоқда, десак, айнаи ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтиб бораётган 2013 йилда аҳолимизнинг реал даромадлари 15,7 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга ўсгани, инфляция даражаси 6 фоиздан ортагани, бозор ва дўконларимиз расталари тўқин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъёрдан ошмагани – буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганининг яққол далили ва исботи, десак, янглишмаган бўламиз.



Янги йилда ҳам айнаи шу сиёсатни изчил давом эттириш асосида аҳолимизнинг моддий аҳоли янада яхшиланиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори бу рақамлардан кам бўлмайди, деб барчангизни ишонтириб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган янги – 2014 йил ҳақида, барчамизнинг эътиборимиз марказида туриши зарур бўлган вазифалар ҳақида гапирганда, энг аввало, қўлга киритган ютуқларга махлиб бўлмасдан, бепарволик кайфиятига берилмасдан, эришган натижаларимизни танқидий баҳолаб, ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, кўзлаган истиқболимизга қадам қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Шу маънода, биринчи навбатда юртимизда тинчлик ва осойишталикни, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни, қўшнларимиз билан дўстона муносабатларни янада мустақамлаш, ҳар қандай бало-қазоларни остонамизга йўлтамаслик, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачигидек асраш, бунинг учун Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини оширишга алоҳида аҳамият бериш – бугунги кунда нотинч замоннинг ўзи олдимизга кўяётган долзарб вазифалар қаторида сақланиши зарур.

Биз танлаган ва ўтган давр мобайнида ўзини

тўлиқ оқлаган, чуқур ўйланган, жамиятимизни демократлаштириш ва ҳаётимизни эркинлаштиришга қаратилган ислохотларни чуқурлаштириш ва самарасини ошириш сиёсатимизни давом эттириш янги йилда барча дастурларимиз ва кундалик ҳаракатларимизнинг мақсадларига айланиши керак.

Шу борада замонавий корхоналарни ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатларини ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, соғлиқни сақлаш, биз учун муҳим ўрин тутадиган таълим-тарбия соҳасини янги босқичга кўтариш, кенг қўламли бунёдкорлик ишларимизни давом эттириш янги йилда ҳам энг устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Кириб келаётган 2014 йилнинг юртимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилинганини халқимиз катта мамнуният билан кутиб олгани ва кенг қўллаб-қувватлаётгани бу қарор эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нақадар ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту иқболини кўриш – ҳар бир ота-она, ҳар қайси оиланинг энг улуг ва муқаддас орзусидир.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яхши тушунамизки, фақатгина жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимга, ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодимизни камол топтириш – биз кўзлаган обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий гарови ва айтиш мумкинки, ҳал қилувчи шарт бўлиб майдонга чиқмоқда.

Айнаи шу ҳақиқатни чуқур англаб, “Соғлом бола йили” деб ном олган 2014 йилда ва келгусида ҳам бу масала, бу вазифа ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз, барча-барчамизнинг доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу орзу-мақсадларимизнинг рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилакларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Кириб келаётган Янги – 2014 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарларидан, чет эллик жамоат арбобларидан Юртбошимиз ва халқимизга бахт-саодат, тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилаб, энг эзгу ниятлар изҳор этилган самимий қутловлар келиб турибди.  
Жумладан, қуйидагилар ўз табриklarини йўллашган:

Хитой Халқ Республикаси Раиси  
**Си Цзиньпин**

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири  
**Ли Кэцян**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти  
**Йоахим Гаук**

Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери  
**Ангела Меркель**

Польша Республикаси Президенти  
**Бронислав Коморовский**

Канада генерал-губернатори  
**Дэвид Жонстон**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти  
**Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими  
**Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Беларусь Республикаси Президенти  
**Александр Лукашенко**

Янги Зеландия генерал-губернатори  
**Жерри Матепарае**

Москва ва Бугун Русь Патриархи  
**Кирилл**

Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси депутати  
**Кёко Накайма**

Корея миллий нефть корпорацияси президенти ва Бош ижрочи директори  
**Мун Кю Сух**

Табриқномалар келиши давом этмоқда.

### ▼ БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

## БОЛАЖОНЛАР ЧЕКСИЗ ҚУВОНЧ ОҒУШИДА



Янги йилни ҳаммамиз ўзгача бир кайфиятда кутамиз. Байрам муносабати билан тўқин дастурхон тузаймиз. Бир-биримизга совғалар улашамиз. Яхши тилаклар билдирамиз. Эзгу орзулар қиламиз. Уларнинг янги йилда рўёбга чиқишига ишонамиз.

Айниқса, болажонлар қувончининг, шодлигининг чегараси йўқ. Уларнинг соғлом ва баркамол вояга етишлари, бундай лаҳзаларни қувонч билан кутиб олишлари, сирасини айтганда, бахтли болалик учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилмоқда. “Соғлом бола йили” деб номланган 2014 йил давомида амалга оширилажак ишларда ҳам кўриш мумкин бу эътиборнинг ёрқин самарасини.

Юртимизда анъанавий ўлкасиб келинаётган “Президент арчаси” байрам тантаналари эса болажонларнинг меҳр ва гамхўрлик оғуши-далигининг яна бир далилидир.

Бу йил ҳам Янги йил байрами муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг шаҳар ва туманларида “Президент арчаси” байрам тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилди.

Уларда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан етук ва баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида эътироф этилди. Болажонларга Президентимизнинг байрам совғалари топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар вазирликлари, ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ушбу тадбирга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Байрам тантаналарида театрлар, ижодий уюшмалар, хонадалар ҳамда болажонларнинг ўзлари томонидан тайёрланган сахна кўринишларида бахтли болаликнинг беғуборлиги, ёш авлодга мамлакатимизда яратилаётган шароитлар, меҳр ва эътибор тараннум этилди.

– Ушбу тадбирлар болажонларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг юксак самарасидир, – дейди кашқадарёлик пенсионер Ойдин Шодмонова. – Бундай эътибордан бизнинг оиламиз ҳам четда эмас. 2013 йил биз учун ҳам қутлуг келди. Ўтган йили неварам мактабга борди. Ўғлим ёш оилаларга яратилган имтиёзлар самарасида янги уй-жой харид қилди. Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан ёшларга, оилаларга кўрсатилаётган улкан гамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Шундай дорилармон кунларга етказганига шукрона

айтаман. Фарзандларимга, набираларимга қайта-қайта уқтиришдан, таъкидлашдан чарчамайман: бу кунларнинг қадрига етинглар.

– “Президент арчаси” тадбирлари орқали болажонларга берилаётган меҳр, эътибор улар қалбига узок сақланади, – дейди пойтахтимиздаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Нодира Шукурова. – Президентимиз раҳмат. Биз ҳам болажонларнинг қувончига шерик бўлганимиздан беҳад мамнунмиз. Юксак эътибор болажонларнинг келажақда Ватанимиз тараққиётига хизмат қиладиган чинакам фидойи инсонлар бўлиб вояга етишларига замин яратди.

Ҳа, эртасини ўйлаган халқнинг келажаги буюк бўлади. Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказишдек бундай эзгу тадбирлардан диллимиз янада равшанлашди, қалбимиз гурурга тўлади. Буларнинг барчасида инсон омили, унинг манфаатлари, келажагимиз ворисларини баркамол этиб вояга етказишдек эзгу мақсадлар мужассамлашгандир.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.



Алишер ИСРОИЛОВ (Уял) олган сурат.

Сурхондарё Вилояти

ОҚСОҚОЛ ОҚИЛ БЎЛСА, МАҲАЛЛА ОБОД БЎЛАДИ

Жарқўрғон туманидаги «Қорақурсоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қорахон Жўраев масъулиятли, ўз бурчига садоқатли инсон. У маҳалладаги ҳар бир масалага жиддий ёндашиб иш қўради. Айниқса, ёшлар тарбияси унинг доимо диққат марказида. Маҳалладаги ободончилик ва бунёдкорлик ишларига катта эътибор беради. Тўй-маросимларнинг бошида туриб, ортиқча дабдабозлик ва исрофгарчиликнинг олддини олишга ҳаракат қилади.

Маҳалламизда тўрт ярим мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди Қорахон Жўраев. — Улар ақил-иноқ яшашмоқда. Маҳалладошлар бир-бирининг хориғи ярайди, аяши-ёмон кунларида елкадош бўлишади. Бунда маҳалла фаоллари — Соат Холмўминов, Ташбой Холбўтаев, Аҳмад Бўриев, Лолаҳон Хайдарова ва Ойнобод Ибрагимоваларнинг алоҳида ўрни бор. Улар ҳар бир ишда, ўтказилаётган тадбирларда бошқоқ бўлишмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳра Сафарованинг ташаббуси билан маҳаллада касаначилик кенг йўлга қўйилган. Икки жойда тиквуччилик чеки очилиб, коллеж битирувчилари иш билан таъминланди.

Оилалар мустаҳкамлиги — фаолиятимиз мезони, — дейди у. — 2013 йилда 14 нафар хотин-қизларни доимий иш билан таъминладик. Бунинг учун ҳудудимиздаги фермерлар, тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда касб-хунар коллежлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганимиз. Яна бир гап, кейинги йилларда маҳалламизда ёшлар ва аёллар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик, оилавий ажрим, қизларни эрта турмушга бериш каби салбий ҳолатларга чек қўйилди.

Ҳа, ҳудудда эришилаётган барча муваффақиятлар замирида инюклик ва аҳиллик муккасма. Маҳалла, қишлоқлар обод. Маҳалланинг марказида жойлашган агро-саноат касб-хунар коллежи биноси қишлоқ кўриқга-кўрқ кўшиб турибди. Яқинда бўлиб ўтган маҳалла сайловида оқсоқол Қорахон Жўраев қайта сайланди. У элим-юртим деб яшайдиганлар сирасидан. Шунинг учун ҳам маҳалла аҳли оқил оқсоқолга яна бир бор ишонч билдирди.

Чори ЖУМАКУЛОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Жиззах Вилояти

ЧИРОЙ ОЧАЁТТАН ҚИШЛОҚЛАР

Бахмал тумани Жиззах вилоятининг сўлим табиатли, хушманзара ҳудудларидан. Изчиллик билан амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари самарасида туман кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. Айниқса, Обод турмуш йилида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли ҳаёт сифатини яхшилаш, қишлоқларни ободонлаштириш соҳасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.



Бу ободлик ва кўркамлик, аввало, туман маркази — Усман шаҳарчаси қиёфасида яққол кўзга ташланади. Туман марказида кўплаб маданий-маиший, ишлаб чиқариш бинолари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Ҳар бир иншоот туманининг бош режаси асосида, ҳудуднинг табиати ва ландшафтига ўйғун, замонавий ва миллий мейморчилигимиз талабларидан келиб чиқиб қурилгани ҳудудга ўзига хос кўриниш бераётди. Транспорт қатновининг ўсиш суръатлари, коммунал-қияция тармоқлари ривож ҳисобга олиниб барпо этилаётган инфратузилма аҳолига катта қулайлик яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан қишлоқларни ободонлаштиришга қаратаётган алоҳида эътибор самарасида туманимизда қурилш ишлари кўлами тобора кенгаймоқда, — дейди Бахмал тумани ҳокимининг ўринбосари Сулаймон Маматқулов. — Кейинги йилларда фақат туман марказининг ўзидан 34 хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаси, шу жумладан, 11 савдо, 2

умумий овқатланиш, 21 маиший хизмат кўрсатиш тармоғи, 4 гузар, «Баркамол авлод» болалар спорт мажмуаси сингари бир қатор иншоотлар қурилиб, ишга туширилди. Бу бунёдкорлик фақат туман марказида эмас, қишлоқларда ҳам кенг қўлама давом эттирилаётди.

Бу ўзгаришлар «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида амалга оширилган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида янада яққолроқ намоён бўлди. Президентимизнинг 2013 йил 4 январда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яққа тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида»ги қарори асосида Оқтош массивида намунавий лойиҳа асосида 50 уй қурилди. Умуман, қишлоқни қайта қуриш бошлангандан буён туманда жами 123 оила шундай замонавий уйларга эга бўлди.

Умумий яратилган шарт-шароит шаҳарниқидан кам эмас, — дейди

«Оқтош» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан қурилган янги уй соҳиби Абулқосим Жуманазаров. — Коммунал-маиший тизими мукамал, сув, газ, электр таъминоти барқарор уйда яшаш — ҳузур. Давлатимиз томонидан қишлоқ аҳлига кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан беҳад мамнунмиз.

Тоғлар бағрида жойлашган туманининг барча қишлоқлари обод ва кўркам бўлиб бораётди. Бу ободлик қишлоқларнинг нафақат таъки қиёфасида, балки аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш, ижтимоий ҳимоялаш, савдо ва хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланиб бораётганида ҳам ўз аксини топаётди. Булар «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида қишлоқ ва маҳаллаларни янада обод қилиш, аҳолига зарур хизмат турларининг барчасини яхшилаш бўйича белгиланган тадбирларнинг изчил амалга оширилгани самарасидир.

Аҳад ЖУМАНҚУЛОВ, ЎЗА мухбири.

Самарқанд Вилояти

САМАРҚАНД ВА ШЭНЬСИ БИРОДАРЛАШДИ

Самарқанд вилояти ва Хитой Халқ Республикасининг Шэньси провинцияси ўртасида биродарлик алоқалари йўлга қўйилди.

Шу муносабат билан Самарқандда ўтказилган тадбирда Шэньси провинцияси губернаторининг ўринбосари Чжуан Чансин ва бошқалар Ўзбекистон ва Хитой ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи ва мазкур ташриф давомида эришилган ўзаро келишувлар давлатларимиз ўртасида кўплаб соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Самарқанд вилоятида Хитой капиталли иштирокида 29 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мазкур корхоналар томонидан қурилиш материаллари, энгил саноат, пойабзал, кимё маҳсулотлари, қадқоқлаш материаллари, мотороллерлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Тадбирда Шэньси провинцияси ва Самарқанд вилояти ўртасида иқтисодий, маданият, туризм, илм-фан соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун имконият ва салоҳият етарли экани таъкидланди.

Маросимда Самарқанд вилояти ва Шэньси провинцияси ўртасида биродарлик меморандуми имзоланди.

Хитойлик меҳмонлар Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари ва исқиклол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар билан танишди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев сўзга чиқди.

Ҳ.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

Қашқадарё Вилояти

БАЙРАМ ЯРМАРКАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Янги йил байрами муносабати билан Қашқадарё вилоятидаги деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи аъёнанинг ярмаркалар фаолият кўрсатмоқда. Қарши шаҳридаги «Ерқўрғон» деҳқон бозорида ҳам бу борада қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Аъёнанинг ярмаркада иштирок этаётган элликка яқин фермер хўжаликлари савдо қўдалари ва маданиятига қатъий амал қилган ҳолда иш тутишяпти. Замонавий тош-тарози, махсус кийим-бош билан таъминланган сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бир томонда гўшт ва гўшт маҳсулотлари, иккинчи томонда сабзавот ва поллиз маҳсулотларининг савдоси чаққон.

Байрам ярмаркасини кўриб, кўзим қувнаб кетди, — дейди 73 ёшли меҳнат фахрийси, қосонлик Ботир Саъдинов. — Бу ерда истаган озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархда сотиб олишингиз мумкин. Шунинг ўзи ҳам юртимизда эл-юрт фаровонлиги йўлида улкан ишлар амалга оширилаётганини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан 2013 йилнинг 20 декабридан бошланган мазкур ярмарка 2014 йилнинг 10 январигача давом этади, — дейди «Ерқўрғон» деҳқон бозори ОХЖ бошқаруви раиси Тоштурди Тўраев. — Шу орада элимизнинг байрам дастурхонига 217,5 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тортиқ этамиз. Бозоримизда доимий фаолият юритувчи тадбиркорларга ҳам, ярмарка иштирокчиларига ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Янги йил байрами арафасида улгуржи савдо қилувчи тадбиркорлар учун замонавий айвон қуриб, ишга туширилди. Бундан ташқари, бозорда учинчи дарвоза фойдаланишга топширилди. Унинг ён томонида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи 10



та замонавий дўкон мавжуд. Наврўз байрами арафасида яна 4 та айвон қурилиши ниҳоясига етказилди. Биз бу кенг қўламли тадбирларни Тошкент, Самарқанд шаҳарларидаги бозорлар ишини ташкил этиш

бўйича тўпланган илгор тажрибалар асосида олиб бораёмиз.

Бозор обод — юрт обод. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтаётган байрам ярмаркалари мўл-кўлчиликка

имконият яратиб, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ҳусан ТЕМИРОВ, «Qishloq hayoti» мухбири. Акмал АЗИМОВ олган суратлар.

АНЖУМАН

ОБОДЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда банкларнинг иштирокига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти директори Б.Зарипов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати, саноат, маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришга ҳамда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар барпо этилишида молия муассасаларининг ҳиссаси катта бўлганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими қатъий халқроқ талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, фаолият кўрсатмоқда. Банкларга аҳолининг ишончи ортиши уларнинг янада барқарор фаолият юритишига хизмат қилаётди. Буни анжуман давомида иштирокчилар томонидан қилинган таҳлилда ҳам кўриш

мумкин. Хусусан, 2013 йилнинг ўн бир ойи давомида 1,5 триллион сўм ажратилган мақсадли сармоялар эвазига аҳолининг иш билан бандлик даражаси ўсиб, халқимиз турмуш фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ошишига эришилди. Оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва хунармандчиликни тараққий эттиришга қарийб 130 миллиард сўм сармоя йўналтирилди. 2013 йилда банклар томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 651 миллиард сўм кредитлар ажратилди. Шундан 117 миллиард сўми ўз бизнесини бошлаётган, айниқса, коллежларни битирган қизларнинг ишбилармонлик фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ лойиҳаларга йўналтирилди. Ортимиз бозорларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ўтган йилнинг ўн бир ойи мобайнида банклар томонидан 2,4 триллион сўм

кредит маблағлари ажратилди.

Обод турмуш йилида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан 346 миллиард сўмдан ортиқ, яъни 2012 йилга нисбатан ўн фоиз кўп ипотека кредитлари ажратилди. Шунингдек, «Қишлоқ қурилиш банк», Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипотекабанк» кредитлари эвазига республикамизнинг 147 туманида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта яққа тартибдаги уй-жой бунёд этилди.

Тадбирда 2014 йилда ҳам бу эзгу ишлар изчил давом эттирилиши қайд этилди. Таъкидландики, молия муассасаларининг янада раванқ топиши, миқозларга хизмат кўрсатиш қўлами кенгайиши, бир сўз билан айтганда, тараққиётга қамгарбасталиги кучайиб бораётганини иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳоли фаровонлиги янада ошишига хизмат қилади.

Озод ОЧИЛОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Байрам тухфалари

Сурхондарё Вилояти

ЯШНАЁТГАН «ЧАМАНЗОР»

2013 йил — Обод турмуш йилида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўплаб янги турар-жойлар, гузарлар, кичик корхона ва сервис шохобчалари барпо этилди.

Ана шундай бунёдкорлик ишлари Ховос туманида ҳам амалга оширилди. Тумандаги Чаманзор массивида 150 дан ортиқ замонавий уй-жойлар қурилиб, эгаларига топширилди.

Массивдан унча узоқ бўлмаган ҳудудда болалар ва ўсмирлар спорт ҳамда мусиқа ва санъат мактаблари қад ростлади. Янги йил байрами арафасида эса туман молия бўлимининг икки қаватли замонавий биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Ушбу бинони Рамиз Ширинов бошлиқ «Янгиер савдо сервис» хусусий фирмасининг қўлигил қурувчилари бунёд этдилар. Молия бўлими, газначилик ва пенсия жағфармаси каби муассасаларни бир жойда жамланган бино қурилишига 784 миллион сўм маблағ сарфланди. Авваллари фуқаролар ҳар жойда жойлашган пенсия жағфармаси ҳамда газначилик билан боғлиқ ишларини битириш учун кўнлаб вақтларини йўқотган бўлсалар, энди бу муассасаларнинг бир бинода жойлашгани уларнинг мушуқулларини осонлаштиради.

Бозорбой БЕКМУРДОВ

Наманган Вилояти

САЪЪАТСЕВАР БОЛАЖОНЛАР УЧУН

Янги йил байрами арафасида Поп шаҳридаги 7-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабининг замонавий, кўркам янги биноси фойдаланишга топширилди.



— Янги йилдан бошлаб мактабимиз янада файзли бўлади, — дейди мактаб директори Аҳмадҷон Давронов. — Ўқув муассасамизда 168 нафар ўқувчи санъатнинг 9 йўналиши бўйича сабоқ олади. Уларга малакали мураббийлар Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси Зокирҷон Раҳимов, Маҳаммадҷон Икромов, Мастура Саидова ва бошқалар таълим-тарбия беришади. Мактабимиз тарбияланувчилар орасида турли танлов ғолиблари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, прима-рубоб мутахассислиги бўйича 6-синф ўқувчиси Шохиста Қўчқорова республика кўриктанловларида муваффақиятли иштирок этди. Шунингдек, ғижжақ йўналишида Дибёрбек Зухуралиев, аъёнанинг ижро-хонандалик йўналишида Шохрўз Собиров, Исмоил Умарҷонов каби ўқувчиларимиз ҳам турли танлов ғолиблари бўлдилар.

— Янги ўқув биносининг янги йил байрами арафасида фойдаланишга топширилгани бизнинг гайратимизга янада гайрат қўшди, — дейди ўқувчи Зокирҷон Раҳимов. — Бу, қолаверса, масъулиятимизни янада оширади. Ўқувчиларга билим беришда бор имконият ва малакамизни ишга соламиз.

2014 йилда Поп туманининг Ғурумсарой қишлоғида ҳам 8-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги ўқув биносини болажонлар ихтиёрига топшириш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда мазкур даргоҳда қурилиш ва монтаж ишлари давом этмоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

Фарғона Вилояти

ИҚТИСОДИЙ СПОРТЧИЛАР МАҚСАДИ

Риштон туманида «Болалар спорт мажмуаси» қуриб, фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридида Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси маблағлари эвазига бунёд этилган мажмуада барча қулайликлар яратилди.



334 ўринга мўлжалланган мажмуада 24 нафар ўқитувчи ва мураббий иш олиб боради.

— Бундай халқроқ андозаларга мос, қулай шароитлар яратилган спорт мажмуаси қурилишига туманимизда зарурат катта эди, — дейди спорт мажмуаси директори Хонийёрҷон Эрматов. — Спортга қизиққан болалар жуда кўп бўлиб, аксарини узоқдаги Жаҳонобод қишлоғидаги болалар спорт мактабига қатнаб шуғулланардилар.

— Ушбу спорт мажмуасининг ҳаммага қулай бўлган жойда барпо қилингани кўпгина тенгдошларимиз қатори мени ҳам жуда хурсанд қилди, — дейди мажмуа яқинидаги Оқер қишлоғидан қатновчи 15-умумтаълим мактаби ўқувчиси Жамшидбек Абдухалилов. — Менинг орзум келажакда бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлишдир. Унинг амалга ошишига эса ишонаман. Биз ёшларга яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдалансанк, орзумимизга албатта, эришамиз.

Ушбу мажмуа ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши ва саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг амалдаги ифода-сидир.

Ҳамидҷон БУРҲОНОВ

Навоий Вилояти

# Модернизация яратётган имкониятлар

Ўтган йилда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини янада юксалтириш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Бу борада алоҳида ҳудудий дастур қабул қилиниб, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилди.

— Янги иш ўринлари яратиш, энг аввало, маъжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга боғлиқ, — дейди вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бўлим бошлиги Салоҳиддин Ҳамдамов. — Ишламаётган корхоналарни қайтадан ишга тушириш, кам қувватли корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, қурилиш тугалланмаган объектларни фойдаланишга топшириш айнан шундай имкониятлардир. Айниқса, кичик бизнес соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиётга эга. 2013-2014 йилларда 604 та корхона ва объектларни ишга тушириш бўйича молиявий соғломлаштириш дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Дастурга кўра, 2013 йилда жами 36 миллиард 829 миллион сўм инвестиция киритиш ҳисобига 2422 та янги иш ўрни яратилиш ҳамда 51 миллиард 654 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш режалаштирилган эди. Вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан ўтган даврда бу борадаги натижалар тахлил этилганда, бир қатор ютуқларга эришилгани аниқланди. Корхона ва объектлар фаолиятини тиклашда тижорат банклари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди. Масалан, Навоий шаҳридаги банкротликка юз туганган "НАТС" масъулияти чекланган жамияти банк балансига берилган эди. У салоҳиятли корхона томонидан сотиб олинган сўнг, ижобий натижалар тезда кўзга ташланди. "Шарққурилиш-сервис" МЧЖ томонидан мазкур корхона негизда иссиқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Темир-бетон ҳамда нон ва маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши натижасида 20 нафар колле битирувчилари доимий иш ўринларига эга бўлишди.



Навоий шаҳридаги «Umid 2001» хусусий фирмаси цехида «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Навоий филиали томонидан берилган кредит эвазига ўрнатилган замонавий технология кўмагида кунга беш тонна ундан 8 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Шаҳар марказида қатор йиллардан буён қаровсиз ётган икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш биноси "Уста Истам" хусусий корхонаси тасарруфига ўтгач, 4 ой мобайнида таъмирланиб, бу ерда меҳмонхона фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 10 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, Қизилтепа туманидаги "Халол меҳнат нури келажак", "Ғалаба савдо қурилиш", Хатирчи туманидаги "Намуна сав-

до сифат" масъулияти чекланган жамиятлари, "Ҳосил гаров ишончи" хусусий корхонаси, Навбахор туманидаги "Бобур бунёдкор" масъулияти чекланган жамиятида кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилди. Айтиш мумкинки, вилоятда ишлаб чиқилган молиявий соғломлаштириш дастурининг ижросини таъминлаш бўйича имкониятлар етарли. Асосий мақсад барча фаолиятсиз ва кам қув-

ватли корхона, бўш турган, қурилиши тугалланмаган объектларни қисқа фурсатларда ишга тушириш, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилди. Бу борада аниқ режалар асосида иш тутилгани самараси ўлароқ, кўплаб янги иш ўринлари барпо этилди, иктисодийнинг ривожланиши, аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилди.

Абдурашул САТТОРОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

**Барча юртдошларимизни, шу жумладан, соғлиқни сақлаш ҳодимларини Янги йил билан тинч дилдан муборакбод этамиз. Янги йилда ҳам турмушимиз обод, соғлиқимиз муқтадир бўламиз! Кўзлаш орзу-иштилариимиз рўёбга чиқимиз, хомадошларимизга мудои тинчлик-хотиржамлик бўлимиз тилаймиз.**

**Янги йил тумани давлат савдо маркази**  
**ЭПН ДИМОНОЛИЯ НАЗОРАТ МАРКАЗИ ЯРАМОАСТ**

## МУЛҚЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙДАГИ ИНШОТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Буюртмачи:** Андижон вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.  
(Андижон шаҳар Навоий кўчаси 45-уй, Тел: (998 74) 223-08-68)

**1. Андижон шаҳар «Чўлпоншоҳ» кўчасидаги сув тармоғи қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 1.072.794.580 сўм, ҚҚСсиз – 893.995.483 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**2. Асака тумани «Уқчи-Асака» сув тармоғини реконструкция қилиш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 1.148.669.850 сўм, ҚҚСсиз – 957.224.875 сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.**

**3. Олтинқўл тумани «Далварзин» массивидаги сув тармоғи қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 1.538.121.330 сўм, ҚҚСсиз – 1.281.767.775 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**4. ЛОТ-1**  
**ЛОТ 1-1. Андижон шаҳар «Тожи» МФЙдаги сув тармоғи қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 408.240.070 сўм, ҚҚС сиз – 340.200.058 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**ЛОТ 1-2. Асака шаҳар «Дўстлик» МФЙ ҳудудида жойлашган №15/2014 рақамли сув кудуги қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 130.584.980 сўм, ҚҚСсиз – 108.820.817 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**5. ЛОТ 2**  
**ЛОТ 2-1. Балиқчи тумани «Чино-бод» шаҳарчаси «Эшонбек» МФЙ ҳудудида жойлашган №9/2014 рақамли сув кудуги қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 150.719.620 сўм, ҚҚСсиз – 125.599.683 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**ЛОТ 2-2. Бўз тумани «Холдовон-**

**бек» ҚФЙ «Навоий» МФЙ Янгиқишлоқ ҳудудида жойлашган №8/2014 рақамли сув кудуги қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 142.115.770 сўм, ҚҚСсиз – 118.429.808 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**ЛОТ 2-3. Булоқбоши тумани «Булоқбоши» ҚФЙ «Гулистон» МФЙ ҳудудида №10/2014 рақамли сув кудуги қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 127.961.010 сўм, ҚҚСсиз – 106.634.175 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**ЛОТ 2-4. Асака тумани «Кужгон» ҚФЙ «Юқори Бўз» МФЙ «Шарқ ҳақиқати» массиви ҳудудида жойлашган №6/2014 рақамли сув кудуги қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 121.991.460 сўм, ҚҚСсиз – 101.659.550 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**6. ЛОТ 3**  
**ЛОТ 3-1. Пахтабод тумани «Маданият» ҚФЙ «Бодроқобод» МФЙ ҳудудидаги №12/2014 рақамли сув кудуги қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 123.910.180 сўм, ҚҚСсиз – 103.258.483 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**ЛОТ 3-2. Хўжабод тумани «Бирлашган» ҚФЙ «Мундуз» МФЙ ҳудудида жойлашган №14/2014 рақамли сув кудуги қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 130.888.660 сўм, ҚҚСсиз – 109.073.883 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**ЛОТ 3-3. Хўжабод тумани «Манак» ҚФЙ «Ордай» МФЙ ҳудудида жойлашган №18/2014 рақамли сув кудуги қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 122.756.980 сўм, ҚҚСсиз –

102.297.483 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**ЛОТ 3-4. Жалакудук тумани «Ёрқишлоқ» ҚФЙ «Қутлуғ» МФЙ «Пахтафронт» кўчасидаги №4/2014 рақамли сув кудуги қурилиши.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 123.471.260 сўм, ҚҚСсиз – 102.892.717 сўм.  
Ишларни тугаллаш муддати – 90 кун.

**Молиялаштириш манбаси:** Бюджет маблағлари ҳисобидан.

**Квоталар миқдори:**  
1,2,3 объектлар бўйича – ушбу объектларда танлов савдолари (тендер)ларни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

**ЛОТ-1, ЛОТ-2, ЛОТ-3 бўйича – бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.**

**Буюртмачи:** 2-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.  
(Андижон шаҳар, Н.Охунов кўчаси 35-уй, Тел/факс: (8-374) 223-52-62, 223-52-63, 223-52-64)

**Андижон вилояти Асака туманидаги «Қорасон қонди» каналини реконструкция қилиш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 3.763.747.000 сўм, ҚҚСсиз – 3.136.455.834 сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати – 12 ой.**  
**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан.  
Ушбу объектларда танлов савдолари (тендер)ларни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган

маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мажбуриятига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хоржий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинмади. Қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинмади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон ш. Чинобод кўчаси 59-уй. Тел/факс: (998 74) 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 100 000 сўм.  
Тақлифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.  
Тақлифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — офёрталар очилиш кунини ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган санадан 15 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

## БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Лот 4-1:** "Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги "Ёдгор" ҳўжаликлараро коллекторига қуйилувчи ёпиқ горизантал дренаж тармоқларини қуриш".  
Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи ҚҚСсиз 437 378 120 сўм, ишларнинг тугалланиш мuddати 10 ой.

**Лот 4-3:** "Андижон вилояти Жалакудук тумани «Қатортол» СИУ ҳудудида ёпиқ горизантал дренаж тармоқларини қуриш ва коллекторларни реконструкция қилиш".  
Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи ҚҚСсиз 234 328 634 сўм, ишларнинг тугалланиш мuddати 10 ой.

**Лот 4-4:** "Андижон вилояти Андижон туманидаги "Қатортол ташлама" ҳўжаликлараро коллектор тизимини реконструкция қилиш ва қуриш".  
Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи ҚҚСсиз 209 316 909 сўм, ишларнинг тугалланиш мuddати 10 ой.

**Диққат!** Қиймати 500 000 000 сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш**  
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фо-

изи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этишчи маҳаллий ва хоржий қурилиш ташкилотлари танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер тақлифлари иштирокчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй, 308-311 хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик миң) сўм.  
Тақлифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.  
Тақлифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — офёрталар очилиш кунини ва соати гача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

## ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИ ҚУРИШ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Лот 8-1. Ангор тумани «Ангор» ҚФЙ «Наврўз» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга – 221,319 млн. сўм, ҚҚСсиз – 184,432 млн. сўм, қурилиш мuddати – 60 кун.

**Лот 8-2. Денов тумани «Кизилжар» ҚФЙ «Пастқизилжар» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга – 284,195 млн. сўм, ҚҚСсиз – 236,829 млн. сўм, қурилиш мuddати – 150 кун.

**Лот 8-3. Кумқўргон тумани «Арслонбой-ли» ҚФЙ «Боймоқли» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга – 151,546 млн. сўм, ҚҚСсиз – 126,288 млн. сўм, қурилиш мuddати – 120 кун.

**Лот 8-4. Кумқўргон тумани «Кумқўргон» ҚФЙ «Янгиер» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга – 149,817 млн. сўм, ҚҚСсиз – 124,847 млн. сўм, қурилиш мuddати – 120 кун.

**Лот 8-5. Музработ тумани «Бешқўтон» ҚФЙ «Х.Жўраев» массивини ичимлик суви билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга – 185,318 млн. сўм, ҚҚСсиз – 154,431 млн. сўм, қурилиш мuddати – 90 кун.

**Лот 8-6. Олтинсой тумани «Қорлик» ҚФЙ «Қорлик» массивини ичимлик суви билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга – 248,543 млн. сўм, ҚҚСсиз – 207,119 млн. сўм, қурилиш мuddати – 90 кун.

**Лот 8-7. Олтинсой тумани «Чеп» ҚФЙ «Жобу» массивини ичимлик суви билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга – 234,812 млн. сўм, ҚҚСсиз – 195,676 млн. сўм, қурилиш мuddати – 120 кун.

**Лот 8-8. Сариев тумани «Хуфар» ҚФЙ «Сарижўй» массивини ичимлик суви билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга – 267,314 млн. сўм, ҚҚСсиз – 222,761 млн. сўм, қурилиш мuddати – 90 кун.

**Лот 8-9. Узун тумани «Телпакчинор» ҚФЙ «Қорашик» массивини ичимлик суви билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга – 186,756 млн. сўм, ҚҚСсиз – 155,630 млн. сўм, қурилиш мuddати – 120 кун.

**Лот 8-10. Шеробод тумани «Сарикамиш» ҚФЙ «Сарикамиш» массивини ичимлик суви билан таъминлаш.**  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга – 244,405 млн. сўм, ҚҚСсиз – 203,670 млн. сўм, қурилиш мuddати – 90 кун.

**Лот 8-11. Шўрчи тумани «Бахтлитепа» ҚФЙ «Бахтлитепа» массивини ичимлик суви билан таъминлаш.**

суви билан таъминлаш.  
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга – 184,291 млн. сўм, ҚҚСсиз – 153,575 млн. сўм, қурилиш мuddати – 90 кун.

**Буюртмачи:** Сурухондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзили: Термиз шаҳри А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел. (8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85 ф.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мажбуриятига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этиганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳолаганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммаси қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан қурилиш қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **«Давархитектурлиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурухондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70 000 сўм.  
Тақлифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати офёрталар очилиш кунини ва соати.  
Тақлифлар (офёрталар) очилиши уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда ўтказилади.

ООО "EAST AND WEST TRUCK SERVICES" М.Улуўбеков о-на г. Ташкента соообчаат об умумениши уставного фонда с 38 500 000 сўм до 19 250 000 сўм  
ЧП ООО "AMUDARYOTEK" (ИНН 301743031) ("AMUDARYOTEK" Буюк Британия чет ая корхонаси), зарегистрированное Министерством Юстиции Республики Каракалпакстан (реестр № 94, 26.11.2010 г.) извещает об изменении наименования Узбекско-Великобританского СП ООО "AMUDARYOTEK", Правительством ЧП ООО "AMUDARYOTEK" по всем правам и обязательствам является Узбекско-Великобританское СП ООО "AMUDARYOTEK". Тел.: (361) 515-40-55.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРҲИ томонидан (03.04.2013 й.) реестр № 004405-07) қайта рўйхатга олинган "POKSON TOSHKENT" МЧЖнинг устав жамғармаси 3 296 559 554 сўмдан 1 852 546 319 сўмга камайитилди.

Тошкент ш. Улчиета т. ТСРҲИда (05.10.2011 й., реестр № 004784-01) рўйхатдан ўтган "MURDOR PLAST" МЧЖга (ИНН 302112705) тегишли думалок муур йўқолганини сабабли бекор қилинди.

Тошкент ш. Улчиета т. ТСРҲИда (10.04.2013 й., реестр № 0113054) рўйхатдан ўтган яқна тариқабдаги тадбиркор Жамилова Ҳанифага (ИНН 602703174) тегишли думалок муур йўқолганини сабабли бекор қилинди.

Улареное гуваҳнома ООО "RENT INVEST PLUS" выданное Юнусабадским хокимиятом реестр № 005561-10 (№ 0036673) от 10.03.2010 г., считать недействительным.

Тошкент ш. Чилонзор т. ТСРҲИда (30.08.2003 й., реестр № 08-001125) рўйхатдан ўтган "АЮ-КОНСАЛТ" МЧЖга (ИНН 201836424) тегишли Гуваҳнома йўқолганини сабабли бекор қилинди.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРҲИ томонидан (02.03.2011 й., реестр № 003241-07) рўйхатга олинган "ТЕМИРСОЙ ОИЛ ФАТ" ШКЖнинг низоми жамғармаси 457 926 985 сўм 05 тийиндан 181 856 сўм 51 тийин миқдорига ўзгартирилди.

ООО "TRUCK ROAD TRANS" (ИНН 207167114) зарегистрированное ИПСП Мирабодского р-на г. Ташкента (№ 006164-03, 08.01.2013 г.) соообчаат об умумениши уставного фонда с размера 20 000 000 сўм до суммы в размере 4 000 000 сўм.



## ЧИН ДИЛДАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Эл-юртининг янада рабнақ топиши, турмуш фаровонлигининг ошиб бориши кўнра тармоқлар тараққийига боғлиқ. Хусусан, озик-овқат маҳсулотларининг мўл-кўл бўлиши бошқа соҳалар каби паррандачиликнинг ривожланишини талаб қилади. Бу борада салмоқли натижаларга эришайотганимизга қатъий эътибор билан, янада самарали ишлашга қўлдошда, Ҳўрдашларимизни Янги — 2014 йил билан чин қиздан қўтлар эканлиги, бағрага бахт-саodat, оилаларига тинчлик-омонлик, дастурхонларига қўт-баракани тилаб, орзу-мақсадларига етишишларини тизит қиламиз.

### Бўстонлик туманидаги “GOLDEN WING” МЧЖ жамоаси



## XALQ BANKI

jamoasi

Sizni  
Yangi - 2014 yil  
bilan samimiy muborakbod etadi.

Yangi yil barchamizga tinchlik-omonlik,  
oilaviy baxt va dasturxonimizga  
qut-baraka olib kelsin.

## Янги йил кўптуз келсин, адиб ватандошлар!

2013 йил юртамиз аҳолилари учун муваффақиятга бўла. Маршкор фермерларамизнинг самарали меҳнатлари эвазига пахта ва ғалла ҳосилидан кўтарилган сарбаланд хирмонлар меҳнатқаш ҳалқамизнинг фаровон ҳаётини таъминлашда, мамлакатимиз ақтисодий салоҳиятини янада юксалтириш билан фойда аҳамиятлар. Қўлга қаратилган ушбу ютуқларда хизмат кўрсаташ корхоналарининг, хусусан, жамоамизнинг муносаб ҳиссаси борлигидан мамнунмиз. Янги йилда ҳам амалда ошаражак эзгу ашларамиз барорда, дастурхоналарамиз қўт-баракани бўлашга талаймиз. Юртамизда ҳукм суратган тинчлик-осойишталик, шоду-хуррамлик бардавон бўлсин.

### «Тахиатол нефть базаси» унитар корхонаси жамоаси

## Янги йилнинг муборак бўлсин!

# 2014 YIL

Президентиимиз тапаббуси билан мамлакатимизда 2014 йилнинг «Соғном бола йили» деб номланиши барча юрдашларимиз қяқори бизнинг жамоамизни ҳам янги меҳнат ютуқларига эришишга, баркамол ва соғном авиод қамоланинга хизмат қилишга руҳлансирди. Янги йил ютуқлар ва омадларга бой бўлсин! Хонадонларимиз доимо чарогон, йўнларимиз нурафшон, дастурхонимиз файзли, саломатлигимиз муснаҳкам бўлсин!

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

<b>Бош муҳаррир:</b> Чори ЛАТИПОВ	<b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агрисаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.	<b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b> Улуғбек УЗОҚОВ, Солижон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдихоиб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масул котиб).	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. ISSN 2010-7023	<b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сисий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93. <b>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:</b> Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Вилоятлар: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.	<b>Реклама ва эълонлар:</b> 236-26-50, 233-28-04.	<b>Навбатчи муҳаррир:</b> А.НУРУЛЛАЕВ <b>Мусаҳҳиж:</b> О.ОЧИЛОВ <b>Дизайнер:</b> Ф.ТОИРОВА
--------------------------------------	---	--	---	--	---	---